

**БҮЙРАК ФАОЛИЯТИ БУЗИЛИШИНИ СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДАГИ ЛАБОРАТОР
КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ҮРГАНИШ**

Алиқұлов И.Т., Хайтимбетов Ж.Ш.,

Нарзиев Н.М., Абдакимова Б.И.

Тошкент тиббиёт академияси

Сурункали юрак етишмовчилеги (СЮЕ) юрак - қон томир тизимидағи эңг кенг тарқалған, ривожланиб борувчи ва нохуш оқибатларга олиб келувчи касаллик бўлиб, bemorlar госпитализациясига ҳам эңг кўп сабаб бўлади. Фремингем тадқиқодлари натижасига кўра ҳар ўн йилда СЮЕ икки бараварига ошиб бормоқда. СЮЕ bemorlar ҳаёт сифатини кескин ёмонлаштиради ва ўлим ҳавфини 4 марта гача оширади. Bemorlarда йил давомидаги ўлим даражаси 15-50%ни ташкил қилиши мумкин. СЮЕли bemorlarда тўсатдан ўлим ҳавфи сурункали юрак етишмовчилеги бўлмаганларга қараганда 5 марта юқори бўлади. СЮЕ нинг эңг кўп учрайдиган сабаби юрак ишемик касаллиги (ЮИК) бўлиб, СЮЕли bemorlarning 54-68,6%ни ташкил қиласи(1,9). Миокард инфаркти ўтказиш СЮЕ ривожланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланиб, чап қоринча (ЧК) нинг инфарктдан кейинги ремоделланиши: чап қоринчанинг структур-функционал қайта қурилиши ва sistolik ҳамда diaстолик функцияларининг бузилиши билан характерланади. СЮЕ сурункали буйрак касаллигини (СБК) ривожланишидаги жуда муҳим детерминантлардан бири ҳисобланади. Бир қатор ретроспектив текширувлар натижасида шу нарса аникландик сурункали юрак етишмовчилеги(СЮЕ) ва буйраклар дисфункцияси (БД) ривожланишида боғлиқлик бўлиб, bemorlarning ҳаёти ёмонлашишига олиб келиши кузатилади [4,10]. СБК да умумий ва юрак - қон томир ўлими ошиши ҳаттоқи буйраклар функцияси бироз пасайган ҳолатда ҳам кузатилади ва айниқса юрак - қон томир касалларни бўлган bemorlarда яққолроқ намоён бўлади, шу қаторда сурункали юрак етишмовчилеги бор bemorlarда ҳам [6,11]. Эпидемиологик ва популациян текширув натижалари гувоҳлик бермоқдаки, буйрак функциясини ҳаттоқи субклиник бузилиши ҳам юрак - қон томир асорати (ЮҚА) ва ўлимга олиб келадиган мустақил ҳавф омили бўлиб ҳисобланади. Кўринадики СЮЕ да креатинин микдори юрак отиб бериш фракциясига аналог бўлиб, нохуш оқибатларга олиб келадиган мустақил предиктор ҳисобланади [1,2,3]. СЮЕ бор bemorlarда СБК бўлганида буйрак етишмовчилеги ривожланиши ҳавфи юқори бўлади ва ўринбосар терапия ўтказишни талаб қиласи. Кўп сонли эпидемиологик, проспектив, ретроспектив, клиник ва маҳсус режалаштирилган текширув натижалари кўрсатадики оғир

буйраклар дисфункцияси ҳар хил кардиоваскуляр ҳолатларни келтириб чиқариши мүмкин, жумладан: миокард инфаркт(МИ), тұсатдан ўлим, бош мия ишемик инсульты, бирламчи юрак етишмөвчилігі каби ҳолаттар [7,8].

Бизнинг текширувимизни мақсади СЮЕ бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолати ва ферментурия күрсаткичларини ўрганишdir.

Инфарктдан кейинги кардиосклероз (ИККС) бўлиб СЮЕ билан асоратланган 40ёшдан 60 ёшгача бўлган 68 нафар беморлар текширилди. Беморлар Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси (NYHA) классификацияси СЮЕ функционал синфлари(ФС)га кўра икки гурухга ажратилди, ФСни аниқлашда клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ва олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС) натижаларидан фойдаланилди. 1-гурух NYHA классификацияси бўйича СЮЕ ФС II 36 bemor, 2-гурух СЮЕ ФС III 32 bemордан иборат. Назорат гурухига 20 нафар соғлом кўнгиллилар олинди. Текширувга қандли диабети бор беморлар олинмади. Барча беморларда қўйидаги текширувлар ўтказилди: креатинин(Кр) миқдорини аниқлаш, MDRD (Modification of Diet in Renal Disease Study) формуласи ёрдамида коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ) ни ҳисоблаш(4), сийдикда спектрофотометрик усуlda - аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), ишқорий фосфатаза (ИФ), холинэстераза (ХЭ) аниқланди [9]. Текширув натижаларини статистик ишлови IBM PC/AT шахсий компьютерида ўтказилди ва EXCEL 6.0 Windows-95 электрон жадвалида ҳисобланди. Кўрсаткичлар қўйидаги кўринишда ёзилди: ўртacha арифметик \pm ўртacha силжиш ($M \pm SD$). Белгилар боғлиқлиги Пирсон жуфт корреляция коэффициенти ёрдамида таҳлил қилинди. Сифат ва сонли белгиларни баҳолашда Спирмен корреляцион коэффициентидан фойдаланилди . Ишончлилик критерийси бўлиб $p < 0.05$ ишлатилди.

Текширув натижалари таҳлили кўрсатадики СЮЕ ФС II гуруҳдаги беморларда креатинин миқдори $109,4 \pm 8,9$ ммоль/л, назорат гуруҳдагиларга қараганда 24,85% кўпроқ ($P < 0,05$). СЮЕ ФС III bemорларда эса назорат гурухига нисбатан 40,3% га ошган бўлиб $125,4 \pm 6,8$ ммоль/л ($P < 0,001$) ни ташкил қиласди. КФТ ни дастлабки кўрсаткичлари СЮЕ ФС II бўлган bemорларда $76,4 \pm 19,12$ мл/мин/ $1,73 m^2$ ни, ФС III bemорларда $66,3 \pm 12,8$ мл/мин/ $1,73 m^2$ ни ташкил қиласди (1-жадвал).

Бу bemорларнинг орасидан СЮЕ ФС II да КФТ <60 мл/мин/ $1,73 m^2$ 33,3%ни ва ФС III bemорларда 66,7%ни ташкил қиласди. КФТ ≥ 60 мл/мин/ $1,73 m^2$ бўлганда креатинин миқдори $89,5 \pm 9,2$ ммоль/л ни , КФТ <60 мл/мин/ $1,73 m^2$ - $123,9 \pm 12,1$ ммоль/л($P < 0,001$)ни ташкил қиласди. Қолдиқ азот миқдори ФС II ва III гуруҳли bemорларда назорат гуруҳдагига нисбатан 59,4%($P < 0,05$) ва 85%($P < 0,01$)га ошганлиги аниқланди ва мос ҳолатда қўйидагича кўриниш олди: $30,08 \pm 2,57$ моль/л, $34,87 \pm 2,49$ моль/л, $18,9 \pm 0,37$ моль/л.

СЮЕ ли беморларни буйраклар функционал ҳолати
билин боғлиқлиги күрсаткичлари

Күрсаткичлар	КФТ $\geq 60 \text{ мл/мин}/1,73 \text{ м}^2$ бўлган bemorlar (n = 41)	КФТ $< 60 \text{ мл/мин}/1,73 \text{ м}^2$ бўлган bemorlar n = 27)
Ёши	$50,2 \pm 7,1$	$56,3 \pm 4,2$
СЮЕ ФС II	27 (65,9%)	9 (33,3%)
III	14 (34,1%)	18 (66,7%)
Креатинин (мкмоль/л)	$89,5 \pm 9,2$	$123,9 \pm 12,1$ ($P < 0,001$)
Коптокчалар фильтрацияси тезлиги (мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$)	$76,1 \pm 13,7$	$53,8 \pm 5,9$ ($P < 0,001$)

Назорат гуруҳидагилар билан солиширганда СЮЕ ФС II bemorларда сийдикдаги ферментлар миқдори қуидаги кўринишда ошди: АЛТ – 50,9%га, АСТ – 39,4%, ИФ 82,5%га, ХЭ 38,7%га ($P < 0,05$). СЮЕ ФС III bemorларда эса ферментурия күрсаткичлари АЛТ - $4,68 \pm 0,13$ ед/л, АСТ – $4,13 \pm 0,12$ ед/л, ИФ – $1,72 \pm 0,08$ ед/л ва ХЭ – $90,79 \pm 3,44$ ед/л ни ташкил қилиб, назорат гурухи билан солиширганда мос ҳолатда қуидагича миқдорда ошди: 85,0%($P < 0,001$), 53,5%($P < 0,01$), 112,8%($P < 0,001$) и 52,3% ($P < 0,01$). Текширув натижалари күрсатмоқдаки СЮЕ ФС II ҳам, ФС III да ферментурия күрсаткичлари сезиларли миқдорда ошган. СЮЕ ФС III bemorларида назорат гурухига қараганда АЛТ ва АСТ күрсаткичлари 1,8 ва 1,5 мартаға ошган, бу эса тубуляр эпителийни цитоплазматик мембранасининг чуқур жароҳатланиб уни цитозол компонентларини ҳосил қилувчи каналчалар ичига чиққанлигини кўрсатади (3,7). СЮЕ II ва III ФСли bemorлардаги ИФ таҳлил кўрсаткичлари ҳам ошган, бу кўрсатадики буйраклар дисфункциясини эрта предиктори бўлган буйрак каналчалари тубуляр эпителийси цитоплазматик мембранасини бутунлигини бузилган (11).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики қондаги креатинин ва сийдикдаги ферментлар миқдори ўртасида тўғри ўртача даражадаги ($r = 0,49$) корреляцион боғлиқлик бўлади, коптокчалар фильтрацияси тезлиги ва сийдикдаги ферментлар миқдори ўртасида эса кучли манфий ($r = -0,71$) корреляцион боғлиқлик бўлади. Демак, СЮЕ II-III ФС ли bemorларда буйраклар дисфункцияси кузатилмоқдаки, булар буйраклар тубулоэпителал аппарати жароҳатланиши билан характерланадиган ва буйраклар дисфункциясини эрта маркерлари сифатида қарашиб мумкин бўлган – креатинин миқдорининг ошиши, КФТ пасайиши, ферментурия ошишидир.

Хулосалар:

1. СЮЕ бор беморларда касалликни ривожланиб бориши билан буйраклар функцияси ҳам субклиник равишда бузилади ва булар КФТ ни пасайиши, ферментурия ва қолдиқ азот микдорини кўпайиши билан характерланади.
2. СЮЕ бор беморлар сийдигида ферментлар даражасини аниқлашни буйраклар дисфункциясини эрта аниқлаш диагностик усули сифатида кўллаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аликулов, И. Т., Хайтимбетов, Ж. Ш., Нарзиев, Н. М. (2023). Myocardial infarction: patogenesis, signs and symptoms, diagnosis.
2. Аликулов, И. Т., Хайтимбетов, Ж. Ш., Нарзиев, Н. М., Ботирова, Н. А. (2023). Изучение особенностей клинического течения заболевания у больных хронической сердечной недостаточностью с дисфункцией почек. *Journal of new century innovations*, 21(2), 185-189.
3. Аликулов, И. Т., Хайтимбетов, Ж. Ш., Нарзиев, Н. М., Ботирова, Н. (2023). Буйраклар дисфункцияси бор сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликнинг клиник кечиши.
4. Жураев, Б., Гулиев, Х. Т., Аликулов, И. Т. (2019). Изучение факторов риска сердечно-сосудистых заболеваний у больных гипертонической болезнью с цереброваскулярными нарушениями. Евразийский кардиологический журнал, (S1), 105.
5. Камилова, У. К., Аликулов, И. Т. (2014). Оценка показателей дисфункции почек у больных с хронической сердечной недостаточностью. Кардиоваскулярная терапия и профилактика, 13(2), 51-54.
6. Миражмедова, Х. Т., Нигина, Б., Нарзиев, Н. М., Аликулов, И. Т. (2023). General Examination of the Patient (General Condition of the Patient, Consciousness, Position, Physique), Examination by Parts of the Body: Head, Face, Neck, Limbs, Skin Integuments.
7. Худайберганова, Н. Х., & Ахмедова, И. М. (2023). Клинико-биохимические особенности внеделудочных проявлений helicobacter pylori ассоциированной гастродуоденальной патологии у детей.
8. Худайберганова, Н. Х., Азадаева, К. Э., Аликулов, И. Т. (2023). Determination of Nutrition-Dependent Micronutrient Deficiencies Among School-Age Children.
9. Худайберганова, Н. Х., Азимова, М. М., & Талипов, Р. М. (2023). Formation of Iron Deficiency Anemia in Children with Chronic Gastroduodenitis of Helicobacteriosis Etiology.
10. Худайберганова, Н. Х., Аликулов, И. Т. (2023). Helicobacter Pylorosis in Children: Features of Diagnosis and Treatment. European Science Methodical Journal, 1(9), 23-28
11. Худайберганова, Н. Х., Рахматуллаева, Г. К., Аликулов, И. Т. (2023). Инфекция helicobacter pylori и принципы терапии у детей.